

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ДАВЛАТ СТАНДАРТИ**

---

**Ахборот технологияси**

**АХБОРОТ ТИЗИМИНИ ЯРАТИШ УЧУН  
ТЕХНИК ТОПШИРИҚ**

Расмий нашр

Ўзбекистон стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш  
агентлиги

Тошкент

## Сўз боши

1 Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлигининг «UNICON.UZ» - Фан-техника ва маркетинг тадқиқотлари маркази Давлат унитар корхонаси («UNICON.UZ» ДУК) томонидан ИШЛАБ ЧИҚИЛГАН

2 Ахборот технологиялари ва коммуникациялари соҳасидаги Стандартлаштириш бўйича 7-сон техник қўмита томонидан КИРИТИЛГАН

3 Ўзбекистон стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш агентлиги («Ўзстандарт» агентлиги)нинг 14.06.2018 даги 05-964-сон қарори билан ТАСДИҚЛАНГАН ВА АМАЛГА КИРИТИЛГАН

## 4 O‘z DSt 1987:2010 ЎРНИГА

*Ўзбекистон ҳудудида ушбу стандарт ва унга киритилган ўзгартиришларнинг амалга киритилиши (амал қилишининг тўхтатилиши) тўғрисидаги ахборот «Ўзстандарт» агентлиги томонидан нашр этиладиган кўрсаткичда эълон қилинади. Ушбу стандарт қайта кўриб чиқилганда ёки бекор қилинганда тегишли ахборот «Ўзстандарт» агентлиги томонидан нашр этиладиган ахборот кўрсаткичда эълон қилинади*

«Ўзстандарт» агентлиги ушбу стандартни Ўзбекистон ҳудудида расмий эълон қилиш мутлақ хукуқига эга

## Мундарижа

1	Кўллаш соҳаси.....	1
2	Норматив ҳаволалар.....	1
3	Атамалар ва таърифлар .....	2
4	Умумий қоидалар .....	2
5	Ахборот тизими учун техник топшириқни ишлаб чиқиш келишиш ва тасдиқлаш тартиби .....	3
6	Таркиби ва мазмуни .....	4
7	Расмийлаштириш қоидалари .....	20
A	илова (тавсия қилинадиган) Ахборот тизими учун техник топшириқнинг умумий структураси .....	22
B	илова (маълумот учун) Фойдаланиш сценарийсини тавсифлашга мисол .....	23
C	илова (мажбурий) Ахборот тизимини яратиш бўйича ишларнинг босқичлари ва этаплари рўйхати .....	25
D	илова (мажбурий) Титул варагининг шакли .....	26
E	илова (мажбурий) Охирги варақ шакли .....	27
	Библиография .....	28



## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНинг ДАВЛАТ СТАНДАРТИ

### Ахборот технологияси АХБОРОТ ТИЗИМИНИ ЯРАТИШ УЧУН ТЕХНИК ТОПШИРИҚ

### Информационная технология ТЕХНИЧЕСКОЕ ЗАДАНИЕ НА СОЗДАНИЕ ИНФОРМАЦИОННОЙ СИСТЕМЫ

Information technology.  
Technical directions for developing of information system

Киритиш санаси 22.06.2018

#### 1 Қўллаш соҳаси

Ушбу стандарт яратиладиган ва модернизацияланадиган ахборот тизимларига таалкуқли бўлиб, улар учун техник топшириқларнинг таркиби, мазмуни ва уларни расмийлаштириш қоидаларини белгилайди.

Ушбу стандартда белгиланадиган талаблар ахборот тизимларини яратиш ёки модернизациялашда барча давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимиюти органлари томонидан қўлланиши мажбурийдир.

#### 2 Норматив ҳаволалар

Ушбу стандартда қўйидаги стандартларга ҳаволалардан фойдаланилган:

ГОСТ 24.701-86 Единая система стандартов автоматизированных систем управления. Надежность автоматизированных систем управления. Основные положения

ГОСТ 34.603-92 Информационная технология. Виды испытаний автоматизированных систем

O‘z DSt 1047:2018 Ахборот технологияси. Атама ва таърифлар

O‘z DSt 1157:2008 Хужжатларни унификациялаштириш тизими. Ташкилий-фармойиши хужжатлар тизими. Хужжатларни расмийлаштиришга бўлган талаблар

O‘z DSt 1985:20\_\_ Ахборот технологияси. Ахборот тизимларини яратишда хужжатларнинг турлари, комплектлиги ва белгиланиши

O‘z DSt 1986:20\_\_ Ахборот технологияси. Ахборот тизимлари. Яратиш босқичлари

*Расмий нашр*

O‘z DSt 2590:2012 Ахборот технологияси. Миллий ахборот тизимини шакллантириш доирасида давлат органлари томонидан фойдаланиладиган ахборот тизимлари интеграциясига ва ўзаро фаолиятига қўйиладиган талаблар

O‘z DSt 2814:2014 Ахборот технологияси. Автоматлаштирилган тизимлар. Ахборотдан рухсатсиз фойдалана олишдан муҳофазаланганлик даражалари бўйича таснифлаш

O‘z DSt ISO/IEC 12207:2018 Ахборот технологияси. Дастурий таъминот ҳаётий циклининг жараёнлари

Изоҳ – Ушбу стандартдан фойдаланилганда ҳавола қилинган стандартларнинг амал қилишини жорий йилнинг 1 январигача бўлган ҳолати бўйича тузилган стандартларнинг тегишли кўрсаткичи ва жорий йилда эълон қилинган тегишли ахборот кўрсаткичлари бўйича текшириш зарур. Агар ҳавола қилинган ҳужжат алмаштирилган (ўзгартирилган) бўлса, у ҳолда ушбу стандартдан фойдаланилганда алмаштирилган (ўзгартирилган) стандартга амал қилиш лозим. Агар ҳавола қилинган ҳужжат алмаштирилмасдан бекор қилинган бўлса, у ҳолда унга ҳавола қилинган қоида, ушбу ҳаволага тааллуқли бўлмаган қисмида қўлланилади.

### **3 Атамалар ва таърифлар**

Ушбу стандартда O‘z DSt 1047, O‘z DSt ISO/IEC 12207, O‘z DSt 1985, O‘z DSt 2814 бўйича атамалар, шунингдек қўйидаги атамалар қўлланилади:

**3.1 ахборот тизими; АТ:** Ахборотни йифиш, сақлаш ёки қайта ишлаш билан боғлиқ ҳар қандай тизим.

**3.1 АТ қуи тизими:** Қайсиdir белгисига кўра ажратилган тизимнинг қисми.

**3.2 ТТни ишлаб чиқувчи:** ТТ ишлаб чиқишини бажарадиган ташкилот.

**3.3 техник топширик;** ТТ: Ахборот тизимини ишлаб чиқиш, ишга тушириш ва қабул қилиш давомида амалга оширилиши керак бўлган қарорларга қўйиладиган талаблар қайд қилинган ҳужжат.

### **4 Умумий қоидалар**

4.1 ТТ ахборот тизимини яратиш (модернизациялаш)га қўйиладиган талаблар ва тартибини белгилайдиган асосий ҳужжат ҳисобланади, ушбу ТТга мувофиқ АТни ишлаб чиқиш ва ишга туширишда уни қабул қилиш ўтказилади.

4.2 АТ қисмлари ёки қуи тизимларига қўшимча талабларни аниқлаштириш ёки белгилаш мақсадида АТ учун ТТ ишлаб чиқилиши мумкин.

АТнинг ўзаро боғланган қисмларини ёки қуи тизимлари гурухга бирлаштирилади ва ушбу гурух учун умумий талаблар АТ қисми учун алоҳида ТТда расмийлаштирилади. АТ алоҳида қисми ёки қуи тизими учун специфик талаблар АТ қисми учун алоҳида ТТда акс эттирилиши керак.

4.3 Мураккаб тизимларни лойиҳалаштиришда умуман АТ учун умумий техник, шунингдек тизимиning қисми учун мўлжалланган ТТ умумий техник топшириқ ишлаб чиқилади:

- 1) ахборот тармоғи;
- 2) АТ қўйи тизимлари;
- 3) АТ дастурий таъминоти элементлари – дастурий компонентлар ва/ёки комплекслари ва ш.к.

4.4 ТТга киритиладиган талаблар ахборот технологиялари ривожланишининг ҳозирги замон даражасига мос келиши ҳамда энг яхши замонавий маҳаллий ва чет эл аналогларига қўйиладиган шунга ўхшаш талаблардан қолишмаслиги керак. ТТда бериладиган талаблар тизим ишлаб чиқувчисини энг самарали техник, техник-иктисодий ва бошқа ечимларни қидириш ва амалга оширишда чекламаслиги керак.

## **5 Ахборот тизими учун техник топшириқни ишлаб чиқиш келишиш ва тасдиқлаш тартиби**

5.1 ТТ лойиҳаси АТга қўйиладиган талаблар ва АТни яратиш концепцияси асосида ишлаб чиқилади.

5.2 АТ учун ТТни ишлаб чиқиша амалдаги норматив ҳужжатларда келтирилган АТга қўйиладиган намунавий ва норматив талаблар ҳисобга олиниши керак.

5.3 ТТни ишлаб чиқиши ишлари АТга буюртма берган буюртмачи ёки техник ҳужжатларни ишлаб чиқишига ихтисослаштирилган чет ташкилот томонидан амалга оширилиши мумкин.

5.4 ТТ ушбу стандартда ёки АТни ишлаб чиқиша фойдаланиладиган бошқа ҳужжатларда белгиланган нормалар, талаблар ва қоидаларга мувофиқлигини текшириш тартиб-таомилларидан ўтиши керак.

5.5 Давлат органларининг АТ учун ТТ Низом [1]га мувофиқ ахборот технологиялари ва коммуникациялари соҳасидаги ваколатли органга тақдим этилиши керак. Қолган ҳолларда ТТ лойиҳасини давлат назорати органлари ва бошқа манфаатдор ташкилотлар билан келишиш зарурати АТ буюртмачиси томонидан белгиланади.

5.6 ТТ лойиҳасини келишиш учун манфаатдор ташкилотларга юбориш АТ буюртмачиси томонидан амалга оширилади. ТТ лойиҳасининг нусхалари келишиш учун барча манфаатдор ташкилотларга бир вақтда жўнатилади. ТТ лойиҳасини кўриб чиқиши ва келишиш муддати ҳар бир ташкилотда уни олгандан кундан бошлаб 15 кундан ошмаслиги керак, агар келишувчи ташкилотларнинг ички ҳужжатларида ва регламентларида бошқаси кўзда тутилмаган бўлса.

5.7 АТ учун ТТ лойиҳаси бўйича фикр-мулоҳазалар ишлаб чиқиша бузилган ёки ҳисобга олинмаган норматив ҳужжатлар (стандартлар, норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар)га ҳаволаларни ўз ичига олган техник асослаш билан тақдим этилиши керак.

5.8 Барча келишувчи ташкилотларнинг фикр-мулоҳазалари бўйича такризлар жамланмаси тузилиши керак. Фикр-мулоҳазалар бўйича қарорлар АТни ишлаб чиқувчи ва АТ буюртмачиси томонидан ТТ тасдиқлангунча қабул қилиниши керак.

5.9 Агар АТ учун ТТ лойиҳасини келишишда ТТни ишлаб чиқувчи ва АТ буюртмачиси ёки бошқа манфаатдор ташкилотлар ўртасида низолар юзага келганда, ТТ ни ишлаб чиқувчи низоларни кўриб чиқиш бўйича кенгаш ўтказади. Кенгашга кўриб чиқилаётган ТТ бўйича қарорлар қабул қилиш ваколатига эга буюртмачи ва асосий манфаатдор ташкилотларнинг вакиллари таклиф қилинади. Кенгаш қарори кенгаш иштирокчилари томонидан имзоланган баённома билан расмийлаштирилади.

5.10 ТТ лойиҳасини келишиш келишувчи ташкилот ваколатли вакилининг имзоси ёки келишувчи хужжат (хат, баённома ва ш.к.) билан амалга оширилади. Битта ТТда келишишнинг иккала шаклларидан фойдаланишга йўл қўйилмайди.

5.11 Агар ТТни ишлаб чиқишида АТни ишлаб чиқувчи белгиланган бўлса, ТТ лойиҳаси келишиш учун келишувчи ташкилотларга юборишдан ва АТ буюртмачиси томонидан тасдиқланишидан олдин АТни ишлаб чиқувчи билан келишилиши керак.

5.12 Агар ТТни ишлаб чиқишида АТ ни ишлаб чиқувчи белгиланмаган бўлса, у ҳолда АТ буюртмачиси ва ишлаб чиқувчи ўртасида ТТни келишиш тўғрисида баённома имзоланиши керак.

5.13 АТ учун ТТни тасдиқлаш ташкилот раҳбари – АТ буюртмачиси томонидан амалга оширилади.

5.14 АТ қисми учун ТТ АТ учун ТТга ўхшаш тарзда ишлаб чиқилади.

5.15 ТТ ва АТ қисми учун ТТга ўзгартишларни келишиш ва тасдиқлаш ТТ учун белгиланган тартибда ўтказилади.

ТТ тузилмасидаги барча ўзгаришлар буюртмачи билан келишилиши шарт.

5.16 АТ қабул қилиш-топшириш синовларига тақдим этилганидан кейин ТТга ўзгартиришларга йўл қўйилмайди.

5.17 ТТ ва унга ўзгартишларни рўйхатга олиш, ҳисобга олиш ва сақлаш буюртмачи фойдаланадиган норматив ҳужжатлар талабларига мувофиқ ўтказилади.

## 6 Таркиби ва мазмуни

### 6.1 ТТ нинг умумий структураси

6.1.1 ТТда куйидаги бўлимлар бўлиши керак:

- 1) умумий маълумотлар;
- 2) АТ вазифаси ва яратиш мақсадлари;
- 3) ахборотлаштириш объектининг характеристикаси;
- 4) АТга қўйиладиган талаблар;

- 5) АТни яратиш ишларининг таркиби ва мазмуни;
- 6) АТни назорат қилиш ва қабул қилиш тартиби;
- 7) АТни ишга туширишга тайёрлаш ишларининг таркиби ва мазмунига қўйиладиган талаблар;
- 8) Ҳужжатлаштиришга қўйиладиган талаблар.

ТТ умумий тузилмаси А иловада берилган.

6.1.2 ТТда санаб ўтилган бўлимлар кичик бўлимлар, бандлар ва кичик бандларга бўлиниши мумкин.

6.1.3 Хусусий ТТга умуман АТ учун ТТ бўлимларининг мазмунини такрорловчи бўлимлар киритилмайди.

## **6.2 «Умумий маълумотлар» бўлими**

«Умумий маълумотлар» бўлимида қўйидагилар кўрсатилади:

- 1) АТ тўлиқ номи ва унинг шартли белгиланиши;

Изоҳ – Номида ахборотлаштирилиши керак бўлган жараёнлар ва бу жараёнлар юз берайтган ташкилий тузилма (бўлим, ташкилот, ташкилотнинг таркибий бўлинмаси ва х.) кўрсатилиши мумкин.

*Мисол – Тизимнинг тўлиқ номи: Кредит бўлимининг «Тўловлар ва кредит олувчилар билан ҳисоб-китоблар» ахборот тизими.*

О'з DSt 1985 га мувофиқ АТ шартли белгиланишида ўн бештадан ортиқ бўлмаган ҳарф-рақамли белгилар бўлиши керак.

*Мисол – Тизимнинг шартли белгиланиши: Тўловлар АТ.*

2) АТ буюртмачиси ва ишлаб чиқувчи ташкилотларининг номи ва реквизитлари.

Ташкилотнинг юридик манзили, боғланиш телефонлари, электрон поча мажбурий реквизитлар ҳисобланади. Қўшимча равишда бошқа реквизитлар ҳам кўрсатилиши мумкин.

Агар ТТни ишлаб чиқиши босқичида АТни ишлаб чиқувчи аниқланмаган бўлса, у ҳолда: «АТни ишлаб чиқувчи бажарувчи тендер (танлов) савдоларининг натижаларига кўра аниқланади» деб кўрсатилиши керак.

3) АТ яратилиши учун асос бўладиган ҳужжатлар рўйхати, тасдиқлаш тўғрисидаги маълумотлар;

Изоҳ – Ҳужжатлар рўйхатига қонунлар, қарорлар, низомлар, буйруклар, концепциялар, чора-тадбирлар режалари, регламентлар ва ишлаш қоидалари ҳамда бошқа ҳужжатлар кириши мумкин.

4) АТни яратиш ишларини бошлаш ва тугатишнинг режа бўйича муддатлари;

*Мисол*

*Бошлиши – 2015 йил 1 сентябрь.*

*Тугатиши – 2017 йил 31 декабрь.*

5) АТни яратиш ишларининг натижаларини расмийлаштириш ва буюртмачига тақдим этиш тартиби.

*Мисол – Тўловлар АТни яратиш ишлари босқичма-босқич бажарилади ва қабул қилинади. Ишининг ҳар бир босқичи тугаганидан кейин ишлаб чиқувчи буюртмачига босқич бўйича ҳужжатларни ва ишлаб чиқувчи томонидан имзоланган ишларни қабул қилиши-топшириши далолатномасини тақдим этади.*

## 6.3 «АТ вазифаси ва яратиш мақсадлари»

### 6.3.1 АТ вазифаси

АТ вазифасида ишлаб чиқилаётган АТни кўллаш соҳаси, шунингдек АТни яратиш натижасида ҳал қилиниши керак бўлган вазифалар кўрсатилади, автоматлаштирилаётган фаолият тури (бошқариш, лойиҳалаштириш ва ш.к.) ва ундан фойдаланиш кўзда тутилаётган автоматлаштириш обьектларининг рўйхати кўрсатилади.

*Мисол-*

*Тўловлар АТ вазифаси қўйидагилар:*

- кредит олувчилар билан ўзаро ҳисоб-китоблар жараёнларини яхшилаш;
- тўловларнинг ҳисоб-китобларини амалга ошириша шаффофликни ошириш.

### 6.3.2 АТни яратиш мақсадлари

АТни яратиш мақсадида АТ ишга туширилгандан кейин эришиладиган, 6.3.1-бандда кўрсатилган вазифаларни ҳал қилишнинг охирги натижалари рўйхати тақдим этилиши керак.

Давлат органларининг АТни яратишда қўшимча равища АТ кўрсатадиган электрон давлат хизматларининг рўйхати ҳам кўрсатилади.

Ҳар бир мақсад учун АТни яратиш натижасида эришилиши керак бўлган ахборотлаштириш обьектининг техник, технологик, ишлаб чиқариш-иқтисодий ёки бошқа кўрсаткичларининг номи ва талаб қилинадиган қийматлари келтирилади ҳамда тизимни яратиш мақсадларига эришишни баҳолаш мезонлари кўрсатилади. АТни яратиш мақсадлари келгусида ишлаб чиқилган АТ самарадорлигини баҳолаш учун ўз ичига миқдорий-сифат кўрсаткичларини олиши керак.

*Мисол –*

*Тўловлар АТни яратиш мақсадлари қўйидагилар:*

- қогоз ҳужжат айланшини 10% га камайтириш;
- муддати ўтказиб юборилган тўловлар ҳажмини 20% га қисқартириш;
- кредит олувчилар ва қарз олувчиларга амалга оширилаётган операциялар бўйича тўлиқ ахборот бериш.

## 6.4 «Ахборотлаштириш объектининг характеристикаси» бўлими

«Ахборотлаштириш объектининг характеристикаси» бўлимида қўйидагилар берилади:

1) Ахборотлаштириш обьекти тўғрисида қисқа маълумотлар ёки бундай ахборотни ўз ичига олган хужжатларга ҳаволалар.

Ушбу бўлимда ахборотлаштириш обьектининг кундалик ҳолати, АТни жорий қилиш ёрдамида ҳал қилиниши керак бўлган муаммолар, ахборотлаштириш обьектида мавжуд бўлган ва ушбу ёки туташ бўлган функцияларни бажарётган АТ рўйхати.

Бу бўлимга АТни яратишнинг олдинги босқичларида ишлаб чиқилган хужжатлардан олинган ахборот киритилиши мумкин.

2) Ахборотлаштириш обьектини эксплуатация қилиш шартлари ва атроф-муҳитнинг характеристкалари тўғрисидаги маълумотлар. Бу маълумотлар ТТда фақат ишлаш қобилияти бевосита эксплуатация қилиш ва атроф-муҳитга боғлиқ бўлган АТ учун қўрсатилади.

## 6.5 «АТга қўйиладиган талаблар» бўлими

### 6.5.1 Умуман АТга қўйиладиган талаблар

#### 6.5.1.1 АТ структураси ва ишлашига қўйиладиган талаблар

Тизимнинг структураси ва ишлашига қўйиладиган талабларда қўйидагилар берилади:

1) қуи тизимлар рўйхати, уларнинг вазифаси ва асосий характеристикалари, иерархия даражаларининг сонига ва тизимни марказлаштириш даражасига қўйиладиган талаблар;

Қуи тизимлар рўйхати барча қўйилган мақсадларни тўлиқ даражада амалга ошириши керак.

Қуи тизимларнинг ўзаро ишлаш схемаси рўйхатда белгиланган барча қуи тизимларни акс эттириши керак.

2) ўзаро ишлаш таъминланадиган чет АТ рўйхати;

3) АТнинг нормал ва авариявий режимларда ишлашини белгилаб берувчи АТнинг ишлаш режимларига қўйиладиган талаблар.

*Мисол –Тўловлар АТ учун қўйидаги ишлаш режимлари белгиланган:*

- нормал ишлаш режими;
- авариявий ишлаш режими.

*Тўловлар АТнинг асосий иш режими нормал режим ҳисобланади.*

*Тўловлар АТ ишлашининг нормал режимида:*

- мижоз дастурий таъминоти ва фойдаланувчилар ҳамда Тўловлар АТ маъмурининг техник воситалари иш куни давомида (соат 09:00 дан 18:00 гача) ҳафтасига беш кун ишлаш имкониятини таъминлайди;

- сервер дастурий таъминоти ва серверларнинг техник воситалари хизмат қўрсатишга танаффуслар билан кечаю кундуз ишлаш имкониятини таъминлайди;

*Тўловлар АТ нормал ишилаш режимини таъминлаш учун тегишили техник хужжатлар (техник хужжатлар, эксплуатация қилиши йўриқномаси ва ҳ.да) кўрсатилган Тўловлар АТ дастурий таъминоти ва техник воситалари комплексини эксплуатация қилиши талаблари ва шартларини бажариш зарур.*

*Тўловлар АТ ишишининг авариявий режими дастурий ва (ёки) техник таъминот бир ёки бир нечта компонентларининг ишламай қолиши билан тавсифланади.*

*Авариявий режимга ўтган ҳолда Тўловлар АТ маълумотларнисаклаган ҳолда барча иловаларнинг ишини тугатиш имкониятини таъминлаши керак.*

4) АТдан фойдаланиш сценарийлари<sup>\*</sup> рўйхати ва тавсифи.

Изоҳ – Фойдаланиш сценарийларининг тавсифи тизимнинг ишишини аниқлаш ва АТ бажарадиган функциялар ҳамда вазифаларнинг тўлиқ рўйхатини шакллантириш ҳамда АТ ишишини келгусида текшириш жараёнини ташкил қилиш имконини беради.

Фойдаланиш сценарийлари кўринишида АТни яратиш мақсадларига эришиш имконини берадиган бизнес-жараёнлар ва фойдаланувчилар (шу жумладан тизим маъмурлари ва ш.к.)нинг ва чет АТнинг (кўриб чиқилаётган АТ доирасида) асосий хатти-харакатлари тавсифланади.

Ҳар бир асосий фойдаланиш сценарийси учун, зарур бўлганда, асосий фойдаланиш сценарийсини кенгайтириш ёки киритиш тавсифланади:

- кенгайтириш асосий сценарийдан фойдаланиш имкониятини кўрсатади, асосий фойдаланиш сценарийсини бажариш жараёнида юзага келадиган фавқулоддаги ҳолатларда АТ ишишини тавсифлайди, масалан, хатонинг юзага келиши, мажбурий маълумотларнинг йўқлиги ва ш.к.;

- Киритиш битта фойдаланиш сценарийси учун берилган қайсиadir хатти-харакат таркибий компонент сифатида бошқа фойдаланиш сценарийсининг хатти-харакати кетма-кетлигига киритилишини кўрсатади, масалан, ёзувни йўқ қилиш, хужжатни муҳрлаш ва ш.к.

Ҳар бир фойдаланиш сценарийси учун қўйидагилар кўрсатилган бўлиши керак:

- фойдаланиш сценарийсининг идентификация раками;
- фойдаланиш сценарийсининг номи;

Изоҳ – Фойдаланиш вариантининг номи маълум ҳаракатни бажариш орқали эришилиши керак бўлган мақсадни эълон қилувчи қисқа йўриқномалар ёрдамида шаклланади, масалан «Хужжатни рўйхатга олишни бажариш», «Янги ёзувни қўшиш».

- ушбу фойдаланиш сценарийси бошлаб бериладиган шартлар, масалан, бошқа фойдаланиш сценарийсининг тугаши ёки АТга маълум маълумотларнинг келиб тушиши;
- сценарийни бажариш тартиби;
- сценарийни бажариш давомида ҳар бир фойдалани варианти амалга оширилишининг вақт регламенти;

---

<sup>\*</sup> Фойдаланиш сценарийлари – АТ, ушбу сценарийда асосий иш кўрувчи шахс (фойдаланувчи ёки ёндош АТ) керакли натижага эришиш учун бажарадиган хатти-харакатларнинг кетма-кетлиги.

- кириш маълумотлари;
- чиқиш маълумотлари;
- кенгайтиришнинг мавжудлиги.

Фойдаланиш сценарийларининг тавсифи қисқа, ихчам бўлиши ва таркибида интерфейснинг тавсифи бўлмаслиги ёки ортиқча батафсил бўлмаслиги керак.

Ҳар бир фойдаланиш варианти учун, зарур бўлганда UML (Unified Modeling Language) бир хиллаштирилган моделлаштириш тили ёки шунга ўхшаш диаграммалар қоидаларига мувофиқ бажарилган фаолият диаграммалари кўрсатилиши мумкин, масалан, BPMN (BusinessProcessModelandNotation) бизнес-жараёнларнинг нотацияси ва моделига мувофиқ ва ш.к.

#### Изоҳлар

1 Фаолият диаграммаларининг тавсифи тизим функцияларини бажариш тартибини белгилаш ва фойдаланиш сценарийларида тавсифланмаган кенгайтиришлар ҳамда киритишларни аниқлаш имконини беради.

2 Ушбу диаграммалар тизим функцияларини бажариш тартибини белгилаш ва фойдаланиш вариантларида тавсифланмаган кенгайтиришларни аниқлаш имконини беради.

Фойдаланиш сценарийларининг тавсифини ва уларга мос келадиган фаолият диаграммаларини ТТга иловалар кўринишида тақдим этишга рухсат берилади.

Фойдаланиш сценарийларининг тавсифланашга мисол В иловада берилган.

#### 5) АТни диагностика қилиш талаблари;

*Мисол – Тўловлар АТ асосий жараёнларни диагностика қилиши воситаларини, диагностика ҳодисаларини кўриб чиқши, дастурларни бажарии жараённинг мониторинг қилиши имконияти учун қулай интерфейсни тақдим этиши керак. Авариявий вазиятлар ёки дастурий таъминотда хатолар юзага келганда, диагностика воситалари муаммони идентификациялаши учун ишлаб чиқкувчига зарур бўлган ахборотнинг тўлиқ тўпламиши сақлаши имконини бериши керак (хотиранинг жорий ҳолати ва файлли тизимнинг жорий ҳолати тўғрисидаги маълумотларни ўз ичига олган жараёнлар журнали).*

6) АТни ривожлантириш, модернизациялаш истиқболлари. Ушбу талаблар АТни яратиш концепцияси билан мувофиқлаштирилиши керак;

*Мисол – Тўловлар АТ дастурий таъминотни ҳамда техник воситалар комплектини янада модернизациялаши имкониятини амалга ошириши керак. Шунингдек масштаблаш йўли билан унумдорликни ошириши имкониятини кўзда тутиши зарур.*

#### 6.5.1.2 Чет ахборот тизимлари билан ўзаро ишлашга қўйиладиган талаблар

Чет АТ билан ўзаро ишлашга қўйиладиган талабларда қуйидагилар кўрсатилади:

- 1) Маълумотларни қабул қилиш ва узатиш баённомалари;
- 2) Узатиладиган маълумотлар рўйхати ва форматлари;
- 3) Фойдаланилаётган чет маълумотлар базалари рўйхати.

Давлат АТ учун электрон ҳукумат тизимининг АТ ва маълумотлар базалари билан ўзаро ишлашни ҳисобга олиш керак (марказий маълумотлар базалари, ягона идентификациялаш тизими ва ш.к.).

Миллий ахборот тизимида кирадиган АТ учун чет АТ билан ўзаро ишлашга қўйиладиган талабларни кўрсатишда O‘zDSt 2590 талаблари ҳисобга олиниши керак.

Ишлаб чиқилаётган АТнинг чет АТ билан барча ўзаро ишлаш варианлари «АТ структураси ва ишлашига қўйиладиган талаблар» (6.5.1.1) бўлимини тавсифлашда фойдаланиш сценарийлари кўринишида акс эттирилиши ва тавсифланиши керак, шунингдек «АТ бажарадиган функциялар (вазифалар)га қўйиладиган талаблар» (6.5.2) бўлимида тавсифланиши керак.

4) Қуи тизимларнинг ўзаро ишлаш схемасида акс эттириладиган АТ компонентлари ўртасида ахборот алмашиш учун алоқа усуллари ва воситаларига қўйиладиган талаблар;

*Мисол – Қуи тизимлар ўртасидаги ахборот алмашуви стандартлаштирилган маълумотлар алмашиш протоклари ва форматларидан фойдаланиши ёрдамида ягона ахборот макони орқали амалга оширилиши керак .*

*Барча қуи тизимларнинг ахборот ўзаро ишлашини таъминловчи Тўловлар АТнинг асосий компоненти бўлиб, коммутациялаш қуи тизими ҳисобланниши керак. Тармоқлараро дараҷсада ахборотга оид ўзаро ҳамкорлик TCP/IP протоколлари туташувининг таркибига кирадиган очик стандартлар асосидаги протоколлардан фойдаланиши орқали амалга оширилиши керак.*

5) АТ нинг ташқи тизимлар билан ҳосил қиладиган ўзаро алоқлар характеристикаларига қўйиладиган талаблар, унинг мослашувчанлигига қўйиладиган талаблар, шу жумладан ахборот алмашиш усуллари тўғрисидаги кўрсатмалар (автоматик, хужжатларни жўнатиш орқали, телефон орқали ва ш.к.);

*Мисол – Тўловлар АТ қуидаги ёндоши тизимлар билан ўзаро ишлаши керак :*

- 1-чет тизим;
- 2-чет тизим.

*Тўловлар АТ ва 1-чет тизим алмашуvinинг қуидаги варианлари бўлиши мумкин:*

- норматив-маълумот берувчи ахборотни узатиши;
- штат жадвалларидан кўчирмаларни узатиши;
- норматив-маълумот берувчи ахборотни қабул қилиши.

*Маълумотларни узатиши ва қабул қилиши операцияларининг натижалари ҳодисалар махсус журналига қайд қилиниши ва фойдаланувчининг талабига кўра тақдим этилиши керак.*

### **6.5.1.3 Фойдаланувчиларнинг сони ва малакасига қўйиладиган талаблар**

АТдан фойдаланувчиларнинг сонига ва малакасига қўйиладиган талабларда қўйидагилар келтирилади:

- 1) АТдан фойдаланувчилар сонига қўйиладиган талаблар;
- 2) турли вазифадаги фойдаланувчиларнинг ишлаш қоидаларига қўйиладиган талаблар;
- 3) фойдаланувчиларнинг малакасига, уни тайёрлаш ҳамда билим ва кўникумларини назорат қилишга қўйиладиган талаблар;
- 4) АТдан фойдаланувчиларнинг талаб қилинадиган иш режими.

### **6.5.1.4 Вазифаси кўрсаткичлари**

АТ вазифаси кўрсаткичларига қўйиладиган талабларда қўйидагилар берилади:

- 1) АТнинг вазифасига мувофиқлик даражасини тавсифловчи параметрларнинг қийматлари;
- 2) эҳтимолий-вақт характеристикалари, бунда АТнинг мақсадли вазифаси сақланиб қолади.

Изоҳ – Қабул қилиш тадбирларини ўтказиш босқичида текшириш мумкин бўлган АТни яратишнинг аниқ ўлчанадиган-етишиладиган кўрсатикичларини кўрсатиш тавсия қилинади. Махсус кўрсаткичлар бўлмаган ҳолда, ушбу бандни ТТ структурасидан чиқариб ташлаш мумкин.

*Мисол – Тўловлар АТ операцион фаолият қуи тизими учун бир вақтнинг ўзида 50 та фойдаланувчиларнинг ва жавоб берииш вақтининг қўйидаги характеристикаларида бошқа қуи тизимлар учун камида 10 та фойдаланувчининг ишлашини таъминлаши керак:*

- экран шакллари бўйича навигация операциялари учун – 5 s дан кўп эмас;
- маълумотномалар ва қўчирмаларни шакллантириши операциялари учун –10 s дан кўп эмас.

### **6.5.1.5 Ишончлиликка қўйиладиган талаблар**

Ишончлилик талабларига қўйидагилар киритилади:

- 1) Умуман АТ ёки унинг қуи тизимлари учун ишончлилик кўрсаткичларининг таркиби ва миқдорий қийматлари;
- 2) авариявий вазиятлар рўйхати, уларга қараб ишончлиликка қўйиладиган талаблар тартибга солиниши керак, шунингдек тегишли кўрсаткичларнинг қийматлари;
- 3) техник воситалар ва дастурий таъминотнинг ишончлилигига қўйиладиган талаблар;
- 4) амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқ АТни яратишнинг турли босқичларида ишончлилик кўрсаткичларини баҳолаш ва назорат қилиш усулларига қўйиладиган талаблар.

*Мисол – Тўловлар АТ қўйидаги штатдан ташқари вазиятлар юзага келганда ишлаши қобилиятини сақлаб қолиши ва ўз функцияларининг тикланишини таъминлаши керак:*

- операцион тизимнинг ўта юкланишига олиб келувчи аппарат қисмининг электр таъминоти тизимидағи тўхтаб қолишиларда дастурнинг тикланиши операцион тизим қайта ишга туширилганда ва бажарилаётган файл ишга туширилгандан кейин бажарилиши керак;
- аппарат воситаларининг ишидаги хатоларда Тўловлар АТ функцияларини тиклаш операцион тизимга юкланади;
- дастурий таъминот билан боғлиқ хатоларда ишлаш қобилиятини тиклаш операцион тизимга юкланади.

*Аппаратурани кучланишининг ўзгаришидан ва коммутация халақитларидан ҳимоя қилиши учун тармоқ фильтрлари қўлланиши керак.*

Кўшимча равишда яратилаётган АТ спецификасини ҳисобга олиб, автоматлаштирилган тизимлар учун ГОСТ 24.701га мувофиқ келадиган талабларга ўхшаш ишончлилик талаблари келтирилиши мумкин.

#### **6.5.1.6 Хавфсизлик талаблари**

Хавфсизлик талабларида қуйидагилар берилади:

- 1) Техник воситаларнинг хавфсизлик талаблари, шу жумладан АТ техник воситаларини монтаж қилиш, созлаш, эксплуатация қилиш, хизмат кўрсатиш ва таъмирлашда хавфсизликни таъминлаш талаблари (электр токи, электромагнит майдонлар таъсиридан ҳимоя қилиш ва ш.к.);

*Мисол – Тўловлар АТ техник воситаларининг кучланиши остида бўлган барча ташқи элементлари тасодифан тегиб кетишидан ҳимояланган бўлиши, техник воситаларнинг ўзи эса нолланган ёки ҳимоявий ерга уланган бўлиши керак. Электр таъминот тизими юкланиши занжирларидан ўта юкланишиларда ва қисқа туташувларда ҳимоявий ўчиришини, шунингдек авариявий қўлда ўчиришини таъминлаши керак.*

*Ёнгин хавфсизлигининг умумий талаблари маший электр ускуналар нормаларига мос келиши керак. Ёнган ҳолда заҳарли газлар ва тутунлар ажералмаслиги керак. Электр таъминоти ўчирилганидан кейин исталган ёнгин ўчириши воситаларини қўллаши мумкин.*

*Тўловлар АТ барча элементлари томонидан соғлиққа зарарли таъсир кўрсатувчи омиллар (шу жумладан, инфрақизил, ультрабинафаша, рентген ва электромагнит нурланишилар, сатр частотали ултратовуши ва ҳ.к.) амалдаги нормалардан ошиб кетмаслиги керак.*

- 2) АТ турли қисмларидан фойдаланишни ажратиш талаблари;

3) ахборотни рухсатсиз фойдалана олишдан ҳимоя қилишга қўйиладиган талаблар, шу жумладан буюртмачининг тармоғида (идорасида) амал қиласиган норматив хужжатларда белгиланган талаблар;

Фойдаланиш чекланган ахборотни қайта ишловчи ахборот тизимлари учун О‘зDSt 2814 да келтирилган талаблар ҳисобга олиниши керак.

- 4) ахборотни криптографик муҳофаза қилиш воситаларидан фойдаланиш тартибиға қўйиладиган талаблар;

5) аварияларда ахборотнинг сақланиши бўйича талаблар. Ушбу талаблар ахборотнинг сақланишини таъминлаш воситаларининг рўйхати

ва усулларини, ҳодисалар рўйхатини: авариялар, техник воситаларнинг ишламай қолиши ва ш.к.ни тавсифлайди. Бу ҳодисалар вақтида АТдаги ахборотнинг сақланиши таъминланиши керак.

6) ташқи таъсирдан ҳимоялашга қўйиладиган талаблар, шу жумладан:

- АТ воситаларини радиоэлектрон ҳимоялашга қўйиладиган талаблар;
- ташқи таъсирларга чидамлилик, барқарорлик ва мустаҳкамлик (қўллаш муҳити)га қўйиладиган талаблар;

*Мисол – Ташқи таъсирлардан ҳимоялаши буюртмачининг дастурий-техник комплекси воситалари билан таъминланиши керак..*

7) маълумотларни умумий ва маҳсус дастурий таъминот (алоҳида куйи тизим ёки битта сервер)нинг тўхтаб қолишиларидан, шунингдек серверлар қуйидаги компонентларининг: процессор, тезкор хотира, тармоқ картасининг ишламай қолишидан ҳимоя қилишга қўйиладиган талаблар.

#### **6.5.1.7 Эргономика ва техник эстетикага қўйиладиган талаблар**

Эргономика ва техник эстетика бўйича талабларга инсоннинг машина билан ўзаро ишлашининг керакли сифатини ва ходимлар иш шароитларининг қулиялигини белгилаб берувчи АТ кўрсаткичлари киритилади.

Талабларни тавсифлашда қуйидагилар кўрсатилади:

- 1) ахборотни акс эттириш воситаларига қўйиладиган талаблар;
- 2) маҳсус периферия қурилмаларининг эргономикаси бўйича талаблар;

Изоҳ – Махсус периферия қурилмаларига бошқариш контроллёрларини ёки кўриш қобилияти паст бўлганлар учун маҳсус қурилмалар ва б.ни киритиш мумкин.

- 3) график интерфейсга қўйиладиган талаблар.

*Мисол – Фойдаланувчиларнинг Тўловлар АТ таркибига кирадиган амалий дастурий таъминот билан ўзаро ишлаши визуал график интерфейс (GUI) орқали амалга оширилиши мумкин.*

*Интерфейс асосан «сичқонча» туридаги манипулятордан фойдаланишига мўлжаланиши керак, яъни бошқарув экран менюларини, тугмалар, белгилар ва иш.к. элементлар тўплами ёрдамида амалга оширилиши керак. Киритишнинг клавиатурали режимидан, асосан, экран шаклларининг матнли ва сонли майдонларини тўлдиришида ва/ёки таҳрир қилишида фойдаланиши керак.*

*Фойдаланиши интерфейсининг экранли шакллари бошқариши ва навигациянинг асосий элементлари бир хилда жойлаштирилган ягона график дизайнда бажарилган.*

#### **6.5.1.8 Кўчма АТ учун транспортда ташиш мумкинлигига қўйиладиган талаблар**

Кўчма АТ учун транспортда ташиш мумкинлигига қўйиладиган талабларга АТ техник воситаларини транспортда ташиш мумкинлигини

таъминловчи конструктив талабларни, шунингдек транспорт воситаларига қўйиладиган талабларни ўз ичига олади.

Агар АТ компонентларидан периферия, ечиб олинадиган ташувчиларда ёки мобил обьектларда фойдаланилган ҳолда, техник воситаларнинг ўзига, шунингдек АТнинг ушбу қурилмаларда масалан маълумотларни сақлашда ишлашига тақдим этилиши керак.

#### **6.5.1.9 АТни эксплуатация қилиш, техник хизмат кўрсатиш, таъмирлаш ва компонентларини сақлашга қўйиладиган талаблар**

Эксплуатация қилиш, техник хизмат кўрсатиш, таъмирлаш ва сақлашга қўйиладиган талабларга қуидагилар киради:

- 1) АТ техник воситаларидан берилган техник кўрсаткичлар билан фойдаланишни таъминлаши керак бўлган эксплуатация қилиш шартлари ва регламенти (режими), шу жумладан АТ техник воситаларида хизмат кўрсатиш турлари ва даврийлиги ёки хизмат кўрсатмасдан ишлаш мумкинлиги;
- 2) Ходимлар ва АТ техник воситаларини жойлаштириш учун мўлжалланган майдонларга, электр таъминот тармоқларининг параметрларига қўйиладиган дастлабки талаблар ва ш.к.;
- 3) хизмат кўрсатувчи ходимларнинг сони, малакаси ва уларнинг ишлаш режимларига қўйиладиган талаблар;
- 4) бутловчи маҳсулотлар ва асбоблар комплектининг таркиби, уларни жойлаштириш ва сақлаш шароитларига қўйиладиган талаблар;
- 5) хизмат кўрсатиш регламентига қўйиладиган талаблар;
- 6) электромагнит таъсирнинг санитария нормаларига қўйиладиган талаблар.

#### **6.5.1.10 Патент ва лицензия софлигига қўйиладиган талаблар**

Патент ва лицензия софлигига қўйиладиган талабларда АТ қисмлари кўрсатилади, ушбу қисмларга нисбатан амалдаги хужжатларнинг ва учинчи шахслар мутлақ хуқуqlари (патентлар, лицензия келишувлари ва бошқа қўриқлаш хужжатлари)нинг бузилишларига йўл қўймаслик таъминланиши керак.

#### **6.5.1.11 Стандартлаштириш ва бир хиллаштириш бўйича талаблар**

Стандартлаштириш ва бир хиллаштириш талабларида қуидагилар кўрсатилади:

- 1) АТ функцияларини амалга оширишнинг стандарт ва бир хиллаштирилган усуллари;
- 2) намунавий дастурий ечимлар;
- 3) намунавий математик усуллар ва моделлар;
- 4) намунавий лойиҳа ечимлари;
- 5) бошқарув хужжатларининг бир хиллаштирилган шакллари;

6) техник-иктисодий ахборот таснифлагичлари ва қўллаш соҳасига мувофиқ бошқа тоифадаги таснифлагичлар;

7) намунавий автоматлаштирилган иш жойлари, компонентлар ва комплекслардан фойдаланишга қўйиладиган талаблар;

8) кириш ва чиқиш маълумотларининг стандарт форматлари ва структуралари.

Стандартлаштирилмаган ва намунавий бўлмаган ечимлар ТТнинг тегишли бўлимларида қўрсатилади, масалан, таснифлагичлар «Ахборот таъминотига қўйиладиган талаблар» бўлимида (**Ошибка! Источник ссылки не найден.**), дастурий ечимлар - «Дастурий таъминотга қўйиладиган талаблар» бўлимида (**Ошибка! Источник ссылки не найден.**) қўрсатилади ва х.

#### **6.5.1.12 Қўшимча талаблар**

Қўшимча талабларга қўйидагилар киритилади:

1) АТни ходимларни ўқитиш учун мўлжалланган қурилмалар (тренажёрлар, шунга ўхшаш вазифадаги бошқа қурилмалар) ва улар учун хужжатлар билан жиҳозлашга қўйиладиган талаблар;

2) АТни иходимларни ўқитиш учун мўлжалланган қўшимча медиа материаллар (интерактив ёки видео дарслар ва ш.к.) билан жиҳозлашга қўйиладиган талаблар;

3) АТ элементларини текшириш учун мўлжалланган сервис аппаратураси, стендларга қўйиладиган талаблар;

4) эксплуатация қилишнинг алоҳида шароитлари билан боғлиқ АТга қўйиладиган талаблар;

5) АТни ишлаб чиқувчи ёки буюртмачисининг хоҳишига кўра маҳсус талаблар;

6) яратилаётган АТнинг буюртмачи ёки бошқа ташкилотларнинг фойдаланиладиган тизимлари билан интеграциялашувига қўйиладиган талаблар;

7) буюртмачининг АТга нисбатан бошқа талаблари.

#### **6.5.2 АТ бажарадиган функциялар ва вазифаларга қўйиладиган талаблар**

«АТ бажарадиган функциялар ва вазифаларга қўйиладиган талаблар» бўлимида фойдаланиш сценарийлари ёрдамида аниқланган функциялар рўйхати қўрсатилади.

Функциялар тегишли қуи тизимлар бўйича тақсимланади. Ҳар бир функция учун қўйидагилар кўрсатилади:

1) функциянинг тавсифи;

2) ҳар функция, вазифани (ёки вазифалар комплексини) амалга оширишнинг вақт регламенти;

3) ҳар бир функцияни (вазифани ёки вазифалар комплексини) амалга ошириш сифатига, чиқиш ахборотини тақдим этиш шаклига

қўйиладиган талаблар, бажаришнинг керакли аниқлиги ва вақтининг характеристикалари, функциялар гурухини бир вақтда бажариш талаблари, натижаларни бериш ҳаққонийлиги;

4) ҳар бир функция учун ишламай қолишлар рўйхати ва мезонлари, улар бўйича ишончлилик талаблари берилади.

Тизимнинг функцияларига қўйиладиган тавсифланган талабларнинг миқдори фойдаланиш сценарийларида белгиланган функцияларнинг миқдорига тўғри келиши ёки ундан ошиши керак. Тавсифланган функцияларнинг миқдори ошган ҳолда, қайси фойдаланиш сценарийларида ушбу функция қўлланилиши белгиланиши керак.

### **6.5.3 Таъминот турларига қўйиладиган талаблар**

#### **6.5.3.1 Математик таъминотга қўйиладиган талаблар**

АТ математик таъминоти учун математик усуллар ва моделлар, намунавий алгоритмлар ва ишлаб чиқилиши керак бўлган алгоритмларнинг таркиби, қўллаш соҳаси (чеклашларга) ва фойдаланиш усулларига қўйиладиган талаблар келтирилади.

Ушбу талаблар қандайдир ҳисоблашларни бажараётган АТни ишлаб чиқишида кўрсатилиши шарт, масалан, ахборотни шифрлаш ёки кодлашнинг ностандарт алгоритмлари, молиявий маълумотларни таҳлил қилишида ҳисоб-китоб формулалари ва ш.к.

#### **6.5.3.2 Ахборот таъминотига қўйиладиган талаблар**

АТ ахборот таъминоти учун қўйидаги талаблар келтирилади:

- 1) маълумотлар таркиби, структураси ва ташкил қилиш усулларига;
- 2) компонентлар ўртасидаги ахборот алмашинувига;
- 3) ёндош тизимлар билан ахборот мослашувига;
- 4) рўйхатга олинган, буюртмачи корхонасида амал қиласиган республика, тармоқ таснифлагилари, бир хиллаштирилган ҳужжатлар ва таснифлагичлардан фойдаланиш бўйича;
- 5) маълумотлар базаларини бошқариш тизимларини қўллашга доир;
- 6) кириш ва чиқиш маълумотларининг форматларига;
- 7) АТда маълумотларни йиғиш, қайта ишлаш, узатиш ва тақдим этиш жараёнининг структурасига;
- 8) АТ электр таъминотининг аварияларида ва тўхтаб қолганда маълумотларни бузилишлардан ҳимоя қилишга;
- 9) маълумотларни назорат қилиш, сақлаш, янгилаш ва тиклашга;
- 10) фойдаланилаётган норматив ҳужжатларга мувофиқ, АТ техник воситалари томонидан бажариладиган ҳужжатларга юридик мақом бериш процедурасига.

#### **6.5.3.3 Лингвистик таъминотга қўйиладиган талаблар**

АТ лингвистик таъминотига қўйиладиган талабларда қўйидагилар берилади:

- 1) АТда юқори даражадаги дастурлаш тилларини қўйлашга қўйиладиган талаблар;
- 2) АТ фойдаланувчилари ва техник воситаларининг ўзаро ишлаш тилларига қўйиладиган талаблар;
- 3) маълумотларни кодлашга қўйиладиган талаблар;
- 4) маълумотларни коддан чиқаришга қўйиладиган талаблар;
- 5) маълумотларни киритиш-чиқариш тилларига қўйиладиган талаблар;
- 6) маълумотларни манипуляция қилиш тилларига қўйиладиган талаблар;
- 7) предмет соҳасини (ахборотлаштириш обьектини) тавсифлаш воситаларига қўйиладиган талаблар;
- 8) АТ ва фойдаланувчи диалогини ташкил қилиш усулларига қўйиладиган талаблар.

#### **6.5.3.4 Дастурий таъминотга қўйиладиган талаблар**

АТ дастурий таъминоти учун керакли қўшимча дастурий таъминот, шу жумладан тижорий дастурий таъминот рўйхати, шунингдек қўйидаги талаблар берилади:

- 1) дастурий воситаларнинг фойдаланилаётган ҳисоблаш техникаси воситалари ва операцион муҳитдан мустақиллигига;
- 2) дастурий воситаларнинг сифатига, шунингдек уни таъминлаш ва назорат қилиш усулларига.

АТни ишлаб чиқиши учун вақт ёки бошқа харажатларни мақбуллаштириш мақсадида дастурий таъминотга қўйиладиган талабларда тижорий дастурий таъминотдан фойдаланиш қоидалари ва чекловлари кўрсатилиши зарур.

#### **6.5.3.5 Техник таъминотга қўйиладиган талаблар**

АТ техник таъминоти учун қўйидаги талаблар келтирилади:

- 1) Техник воситаларнинг турларига, шу жумладан АТдан фойдаланиш учун йўл қўйиладиган ва зарур бўлган техник воситалар, дастурий-техник комплекслар ва бошқа бутловчи маҳсулотларнинг турларига;
- 2) АТ техник таъминот воситаларининг функционал, конструктив ва эксплуатацион характеристикаларига.

#### **6.5.3.6 Метрологик таъминотга қўйиладиган талаблар**

Метрологик таъминотга қўйиладиган талабларга қўйидагилар берилади:

- 1) ўлчаш каналларининг дастлабки рўйхати;
- 2) параметрларни ўлчаш аниқлигига ва (ёки) ўлчаш каналларининг метологик характеристикаларига қўйиладиган талаблар;
- 3) АТ техник воситаларнинг метологик мослашувига қўйиладиган талаблар;

4) аниқ характеристикаларини баҳолаш зарур бўлган АТ бошқарув ва ҳисоблаш каналларининг рўйхати;

5) АТ ўлчаш каналлари, ичига ўрнатилган назорат воситалари таркибига кирадиган техник ва дастурий воситаларнинг методологик таъминотига, АТни созлаш ва синашда фойдаланиладиган ўлчаш каналлари ва ўлчаш воситаларининг метрологик яроқлилигига қўйиладиган талаблар;

6) Бажариш тартибини ва шаҳодатлаш (қиёслаш)ни ўтказаётган ташкилотларни қўрсатган ҳолда методологик шаҳодатлаш (қиёслаш) тури (давлат ёки идоравий).

#### **6.5.3.7 Ташкилий таъминотга қўйиладиган талаблар**

Ташкилий таъминот учун қўйидаги талаблар берилади:

1) АТ ишлашида иштирок этаётган ёки эксплуатация қилинишини таъминловчи бўлинмаларнинг структураси ва функцияларига;

2) АТнинг ишлаш тартибини ташкил қилиш ва АТ ходимлари ҳамда ахборотлаштириш обьекти ходимларининг ўзаро ишлаш тартибига;

3) АТ ходимларини хатти-ҳаракатлардан ҳимоя қилишга.

#### **6.5.3.8 Услубий таъминотга қўйиладиган талаблар**

Услубий таъминот учун АТ норматив ҳужжатларининг таркиби талаблар келтирилади (унинг ишлашида қўлланиладиган стандартлар, нормативлар, методикалар ва ш.к. рўйхати).

### **6.6 «АТни яратиш ишларининг таркиби ва мазмуни» бўлими**

«АТни яратиш ишларининг таркиби ва мазмуни» бўлими О‘zDSt1986 га мувофиқ АТни яратиш босқичлари ва этапларининг рўйхатини ўз ичига олиши керак. АТни яратиш босқичлари ва этапларининг рўйхати С иловага мувофиқ расмийлаштирилади.

Ушбу бўлимда қўйидагилар келтирилади:

1) ишларнинг тегишли босқичлари ва этаплари тугаши билан тақдим этиладиган О‘zDSt1985 бўйича ҳужжатлар рўйхати;

2) техник ҳужжатлар экспертизасини ўтказиш тури ва тартиби (текширилаётган ҳужжат босқичи, этапи, ҳажми, эксперт-ташкилот);

3) ишлаб чиқилаётган АТ ишончлилигининг талаб қилинадиган даражасини таъминлашга қаратилган ишлар дастури (зарур бўлганда);

4) АТ оралиқ версияларини тақдим этишнинг тахмин қилинадиган даври. О‘zDSt 1986 га мувофиқ АТ оралиқ версияларини тақдим этиш даврлари (итерация) уч ҳафтадан кўп бўлиши керак;

5) тизим функциялари миқдорининг тўлиқлигини таъминлашга қаратилган ишлар дастури;

6) АТни яратиш барча босқичларини бажариш муддатларини ва бажарувчи ташкилотларни қўрсатган ҳолда ушбу барча босқичларда метрологик таъминот ишларининг рўйхати.

## 6.7 «АТни назорат қилиш ва қабул қилиш тартиби» бўлими

«АТни назорат қилиш ва қабул қилиш тартиби» бўлимида қўйидагилар кўрсатилади:

1) ГОСТ 34.603 га мувофиқ АТ ва унинг таркибий қисмларини синаш турлари, таркиби, ҳажми ва усуллари;

2) босқичлар бўйича ишларни қабул қилишга қўйиладиган умумий талаблар (иштирок этувчи корхоналар ва ташкилотлар рўйхати, ўтказиш жойи ва муддатлари), қабул қилиш хужжатларини келишиш ва тасдиқлаш тартиби;

*Мисол – Ишларни топшириши-қабул қилиши ...даги ...сон шартномага илова ҳисобланган календар режага мувофиқ босқичма-босқич бажарилади. Топшириши-қабул қилиши комиссия томонидан амалга оширилади, бу комиссия таркибига буюртмачи ва ишлаб чиқувчи вакиллари киради. Қабул қилиши натижалари бўйича қабул комиссиясининг далолатномаси имзоланади.*

*Ушбу иш доирасида яратиладиган дастурий маҳсулотлар (сотиб олинадигандан ташқари) тайёр модуллар кўринишида ҳамда стандарт машина элтувчида (масалан, компакт-дискда) электрон шаклда тақдим этиладиган дастлабки кодлар кўринишида топширилади.*

3) қабул қилиш комиссиясининг мақоми (давлат, идоралараро, идоравий).

Қабул қилиш комиссиясининг мақоми синовларни ўтказишдан олдин буюртмачи томонидан белгиланади.

## 6.8 «АТни ишга туширишга тайёрлаш ишларининг таркибига ва мазмунига қўйиладиган талаблар» бўлими

«АТни ишга туширишга тайёрлаш ишларининг таркибига ва мазмунига қўйиладиган талаблар» бўлимида АТни ишга туширишга тайёрлашда бажарилиши керак бўлган асосий чора-тадбирлар ва уларни бажарувчиларнинг рўйхатини келтириш зарур.

Асосий чора-тадбирлар рўйхатига қўйидагилар киритилади:

1) АТга келиб тушаётган ахборотни (ахборот ва лингвистик таъминотга қўйиладиган талабларга мувофиқ) қайта ишлашга яроқли бўлган кўринишга келтириш;

2) ахборотлаштириш обьектида амалга ошириш керак бўлган ўзгаришлар;

3) ахборотлаштириш обьектининг ишлаш шароитларини яратиш, бу шароитларда яратилаётган АТнинг ТТдаги талабларга мувофиқлиги кафолатланади;

4) АТ ишлаши учун зарур бўлган бўлинмалар ва хизматларни ташкил қилиш;

5) штатни тўлдириш ва ходимларни ўқитиш муддатлари ва тартиби.

*Мисол – Лойиҳани бажарии давомида ахборотлаштириши обьектида тизимни ишига туширишига тайёрлаши шиларини бажарии талаб қилинади. Тўловлар АТни эксплуатацияга тайёрлашида буюртмачи қуидаги шиларнинг бажарилишини таъминлаши керак:*

- Тўловлар АТни жорий қилиши ва синов эксплуатациясини ўтказиши учун жавобгар бўлган бўлинма ва масъул мансабдор шахсларни аниқлаши;
- ишлаб чиқувчи томонидан ўтказилаётган, фойдаланувчиларнинг Тўловлар АТ билан шилашига ўқитишда бўлишиларини таъминлаши;
- фойдаланувчи хоналари ва иши жойларининг ТТ талабаларига мувофиқлигини таъминлаши;
- Тўловлар АТ дастурий таъминоти ўрнатилиши керак бўлган дастурий-техник воситаларга тақдим этиладиган талабларнинг бажарилишини таъминлаши;
- ишлаб чиқувчи билан биргаликда Тўловлар АТни буюртмачининг техник воситаларида ўрнатиш режасини тайёрлаши;
- Тўловлар АТ синов эксплуатациясини ўтказиши.

## 6.9 «Хужжатлаштиришга қўйиладиган талаблар» бўлими

«Хужжатлаштиришга қўйиладиган талаблар» бўлимида қуидагилар келтирилади:

- 1) О‘з DSt 1985 га мувофиқ ишлаб чиқилиши керак бўлган хужжатлар рўйхати;
- 2) ишлаб чиқилаётган хужжатлар тақдим этиладиган ахборот ташувчиларига қўйиладиган талаблар;
- 3) АТ буюртмачисига талаб қилинадиган қўшимча хужжатлар;
- 4) АТ элементларини хужжатлаштиришга қўйиладиган талабларни белгиловчи давлат стандартлари бўлмагандан, қўшимча равища бундай хужжатларнинг таркиби ва мазмунига қўйиладиган талаблар киритилади.

## 7 Расмийлаштириш қоидалари

### 7.1 Умумий талаблар

7.1.1 ТТ норматив хужжатлар талабларига мувофиқ расмийлаштирилади.

7.1.2 Кўрсаткичлар, нормалар ва талабларнинг кўрсаткичлари чегаравий оғишлар ёки максимал минимал қийматлар билан кўрсатилади.

Агар кўрсаткичлар, нормалар, талаблар норматив хужжатларда бир хил регламентланган бўлса, ТТ да бу хужжатларга ва уларнинг бўлимларига бўлган ҳавола берилиши керак.

Агар кўрсаткичлар, нормалар ва талабларнинг аниқ қийматлари ТТни ишлаб чиқиш жараёнида белгиланмаса, у ҳолда бу кўрсаткичлар, нормалар ва талабларни белгилаш ва келишиш этапи ҳамда босқичи аниқланади.

*Мисол – Якуний талаоб (қиймат) техник лойиҳа босқичида баённома билан аниқлаштирилади ва келишилади .*

7.1.3 ТТга ўзгаришда ўзгаририш учун асос, ўзгаришишнинг мазмуни ва хужжатларга ҳаволалар бўлиши керак, бу ўзгаришишлар ушбу хужжатларга мувофиқ киритилади.

7.1.4 ТТ бетларини бутун матн бўйича бошидан охиригача рақамлашга риоя қилган ҳолда рақамлаш керак. Титул варағи бетларни умумий рақамлашга киритилади. Титул варағидаги бетга рақам қўйилмайди. Алоҳида бетларга жойлаштирилган иловалар, расмлар, жадваллар бетларнинг умумий рақамланишига киритилади.

## **7.2 Титул варағи, келишиш варағи ва ТТнинг охирги варағи**

7.2.1 ТТ титул варағининг шакли D иловада берилган. ТТ охирги варағининг шакли Е иловада берилган.

7.2.2 АТ буюртмачисининг ташкилоти раҳбарининг имзоси ташкилот муҳри билан тасдиқланади.

7.2.3 Келишиш ва тасдиқлаш грифи O‘z DSt 1157 талабларига қатъий мувофиқ ҳолда расмийлаштирилади.

7.2.4 Агар келишувчи ташкилотлар миқдори иккитадан кўп бўлса, алоҳида келишиш варағи шакллантирилади ва у титул варағидан кейин жойлаштирилади. Бунда давлат органларининг АТ учун ТТ учун ахборот технологиялари ва коммуникациялари соҳасидаги ваколатли органнынг келишиш грифи титул варағида жойлаштирилади.

7.2.5 ТТ лойиҳасининг титул варағига кўшимча имзолар ёки визалар ва ёзувларни қўйишга рухсат берилмайди, масалан, «Фикр-мулоҳазалар билан келишилди».

7.2.6 ТТга ўзгаришишнинг титул варағи ТТ титул варағига ўхшаш тарзда расмийлаштирилади. «Техник топшириқ» номи ўрнига «... АТ учун ТТ га ...-сон ўзгариш» деб ёзилади.

7.2.7 ТТ ишлаб чиқувчиларнинг имзолари Е иловага мувофиқ охирги варақقا жойлаштирилади.

**А илова**  
(тавсия қилинадиган)

**Ахборот тизими учун техник топшириқнинг умумий структураси**


- 1 Умумий маълумотлар
  - 1.1 АТнинг тўлиқ номи ва унинг шартли белгиланиши
  - 1.2 АТ буюртмачиси ва ишлаб чиқувчи ташкилотларининг номи
  - 1.3 АТ яратишга асос бўладиган ҳужжатлар рўйхати
  - 1.4 Ишларни бошлиш ва тугатишнинг режа бўйича муддатлари
  - 1.5 Ишлар натижаларни расмийлаштириш ва тақдим этиш тартиби
- 2 АТ вазифаси ва яратиш мақсадлари
  - 2.1 АТ вазифаси
  - 2.2 АТни яратиш мақсадлари
- 3 Ахборотлаштириш объектигининг характеристикалари
- 4 АТга қўйиладиган талаблар
  - 4.1 Умуман АТга қўйиладиган талаблар
    - 4.1.1 АТ структураси ва ишлашига қўйиладиган талаблар
    - 4.1.2 Чет ахборот тизимлари билан ўзаро ишлашга қўйиладиган талаблар
    - 4.1.3 Фойдаланувчиларнинг сони ва малакасига қўйиладиган талаблар
    - 4.1.4 Вазифаси кўрсаткичлари
    - 4.1.5 Ишончлилигига қўйиладиган талаблар
    - 4.1.6 Хавфсизлигига қўйиладиган талаблар
    - 4.1.7 Эргономика ва техник эстетикага қўйиладиган талаблар
    - 4.1.8 Кўчма АТ учун транспортда ташиш мумкинлигига қўйиладиган талаблар<sup>\*</sup>
    - 4.1.9 АТ компонентларидан фойдаланиш, техник хизмат кўрсатиш, таъмираш ва сақлашга қўйиладиган талаблар<sup>\*</sup>
    - 4.1.10 Патент ва лицензия соғлигига қўйиладиган талаблар
    - 4.1.11 Стандартлаштириш ва бир хиллаштиришга қўйиладиган талаблар<sup>\*</sup>
    - 4.1.12 Қўшимча талаблар
  - 4.2 АТ бажарадиган функцияларга (вазифаларга) қўйиладиган талаблар
  - 4.3 Таъминот турларига қўйиладиган талаблар
    - 4.3.1 Математик таъминотга қўйиладиган талаблар<sup>\*</sup>
    - 4.3.2 Ахборот таъминотига қўйиладиган талаблар
    - 4.3.3 Лингвистик таъминотга қўйиладиган талаблар
    - 4.3.4 Дастурий таъминотга қўйиладиган талаблар
    - 4.3.5 Техник таъминотга қўйиладиган талаблар
    - 4.3.6 Метрологик таъминотга қўйиладиган талаблар<sup>\*</sup>
    - 4.3.7 Ташкилий таъминотга қўйиладиган талаблар
    - 4.3.8 Услубий таъминотга қўйиладиган талаблар
- 5 АТни яратиш ишларининг таркиби ва мазмуни
- 6 АТни назорат қилиш ва қабул қилиш тартиби
- 7 АТни ишга туширишга тайёрлаш ишларининг таркиби ва мазмунига қўйиладиган талаблар
- 8 Ҳужжатлаштиришга қўйиладиган талаблар

Изоҳ – «\*» белгиси билан белгиланган банд зарур бўлмаган ҳолда чиқариб ташланиши мумкин.

## В илова (маълумот учун)

### Фойдаланиш сценарийсини тавсифлашга мисол

UML диаграммаси кўринишидаги Тўловлар АТ дан фойдаланиш сценарийларининг умумий модели В.1-расмда берилган



В.1-расм. Тўловлар АТ дан фойдаланиш сценарийларининг умумий модели

Тўловлар АТдан фойдаланиш сценарийларининг рўйхати В.1-жадвалда берилган:

#### В.1-жадвал

Идентификация рақами	Фойдаланиш сценарийсининг номи	Иш кўрадиган шахслар	Сценарий тури
U1	Тизимга кириш	Барча Тўловлар АТ фойдаланувчилари	Асосий
C1	Карз маблағлари суммасининг кўпайтирилиши	Кредитор	Асосий
C2	Лимитни кўпайтириш аризасини жўнатиш	Кредитор	Кенгайтириш
ED1	Улушлар бўйича аризаларни кўриб чиқиш	Кредитлаш бўлими ходими	Асосий
ED2	Лимитнинг ўзгариши	Кредитлаш бўлими ходими	Кенгайтириш
B1	Маблағлар ўтказиш	Хизмат кўрсатувчи банкнинг АТ	Ишга тушириш

**«С1» фойдаланиш сценарийси:** Қарз маблағлари суммасининг кўпайтирилиши

**Ишга тушириш шартлари:** Кредитор кредит бериш учун зарур бўлган суммани кўпайтиришни хоҳлади

**Асосий фаолият кўрсатувчи шахс:** Кредитор

**Сценарийни бажарии тартиби:**

- 1) Кредитор Тўловлар АТ ҳисобидаги қарз маблағлари суммасини кўпайтиради;
- 2) Тўловлар АТ белгиланган ҳисоб лимитини текширади;
- 3) Тўловлар АТ маблағларни ўтказиш учун хизмат кўрсатувчи банкнинг АТга талабномани шакллантиради;
- 4) Тўловлар АТ маблағларни ўтказиш учун хизмат кўрсатувчи банкнинг АТга талабномани юборади;
- 5) Хизмат кўрсатувчи банкнинг АТ маблағларни ўтказиш талабномасини қабул қиласди

**Сценарийни бажарии учун вақт регламенти:**


- 1) маблағларни ўтказиш талабномасини шакллантириш вақти 2s дан ошмаслиги керак.
- 2) талабномани хизмат кўрсатувчи банкнинг АТга узатиш вақти 5s дан ошмаслиги керак.

**Кириши маълумотлари:** Тўловлар АТда ҳисоб кўпайтирилиши керак бўлган сумма.

**Чиқиши маълумотлари:** Маблағларни ўтказиш учун талабнома.

**Эҳтимолий кенгайтиришилар:** Лимитни кўпайтириш аризасини жўнатиш - Тўловлар АТ томонидан ҳисоб суммасининг лимити ошганда ишга туширилади.

«С1» фойдаланиш сценарийсининг амал қилиш диаграммаси В.2-расмда берилган.



В.2-расм. «С1» фойдаланиш сценарийсининг ишлаш диаграммаси

**С илова**  
**(мажбурий)**

**Ахборот тизимини яратиш бўйича ишларнинг босқичлари ва этаплари рўйхати**

Этап рақами	Ишлар номи ва уларнинг мазмуни	Бажариш муддатлари		Бажарувчи (ташкилот)	Этап нима билан тугайди
		боши	охири		

Изоҳ – Буюртмачи ва ишлаб чиқувчининг хоҳишига кўра қўшимча устунлар қўшилиши мумкин. Масалан, «Эслатма» қўшимча устунида қўшимча маълумотлар кўрсатилиши мумкин; бу ишларни ўтказиш учун масъул шахсни (буюртмачи ёки ишлаб чиқувчи) белгиловчи ёзувлар.

**D илова**  
(мажбурий)

**Титул варагининг шакли**

Хужжатнинг белгиланиши<sup>\*</sup>

**ТАСДИҚЛАЙМАН**

Раҳбар (лавозим, АТга буюртма берган  
ташкилот номи)

имзо

исми-шарифи, фамилия

сана

АТ ни (номи)

яратиш учун

**ТЕХНИК ТОПШИРИҚ**

варақда

дан амал қиласди

**КЕЛИШИЛГАН**

Раҳбар (лавозим,  
ташкилот номи)

имзо

исми-шарифи, фамилия

сана

\* Хужжатнинг O‘zDSt 1985 га мувофиқ белгиланиши.

**Е илова**  
(мажбурий)

**Охирги варақ шакли**

ТТни ишлаб чиқувчи  
ташкилот раҳбари  
(лавозими)

(имзо)

(исм-шарифи, фамилияси)

Масъул бажарувчи  
(лавозими)

(имзо)

(исм-шарифи, фамилияси)

Бажарувчилар  
(лавозимлари)

(имзо)

(исм-шарифи, фамилияси)

## **Библиография**

[1] Давлат органларининг ахборот тизимларини яратиш тўғрисидаги низом (Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2005 йил 22 ноябрдаги 256-сон қарорига 2-илова)

УЎТ 002:389.6

СУТ 35.080

T50

Асосий сўзлар: ахборот тизимлари, техник топшириқ, ҳужжатлар.

---

«UNICON.UZ» ДУК  
директори

\_\_\_\_\_ X.Хасанов

«UNICON-SOFT» МЧЖ  
Лойиха-эксплуатация  
хужжатлари бўлими бошлиғи

\_\_\_\_\_ Д.Седухин

Норма назорати

\_\_\_\_\_ М.Комилова

### КЕЛИШИЛГАН

Ўзбекистон Республикаси  
Ахборот технологиялари ва  
коммуникацияларини ривожлантириш  
вазирлиги Электрон ҳукуматни жорий  
этиш ва давлат хизматларини  
ривожлантириш в.в.б бош  
бошқармаси бошлиғи

Б.Угламов  
2017 йил 12 декабрдаги  
18-8/8393-сон хати

### КЕЛИШИЛГАН

«Ўзбектелеком» АҚ  
техник директори

Ж.Арипов  
2017 йил 11 октябрдаги  
27-02-45/4396-сон хати

### КЕЛИШИЛГАН

Алоқа, ахборотлаштириш  
ва телекоммуникация  
технологиялари соҳасидаги  
назорат бўйича давлат  
инспекцияси бошлиғининг биринчи  
ўринbosари

И.Ашурев  
2017 йил 19 июнданги  
32-13/1042-сон хати

### КЕЛИШИЛГАН

Ахборот хавфсизлигини  
таъминлаш маркази  
директори биричига ўринbosари

О.Мирзаев  
2017 йил 19 июнданги  
02-07-02/973-сон хати